

Расмий муносабат



Куни-кеча ижтимоий тармоқлар орқали "Қизириқ туманидаги "Surxon Cotton Textile Cluster" МЧЖ хорижий корхонаси ходимларига иш хақи берилмаяпти" сарлавха остида мурожаат эълон қилинган эди. Мазкур ҳолат юзасидан қуйидагилар маълум қилинади: "Surxon Cotton Textile Cluster" МЧЖ хорижий корхонаси раҳбари М.М.Мақсудовнинг ташаббуси билан ишчи-ходимларининг хошиш-истаклари ва таклифларига асосан Бухоро БСТ текстил корхонасидан ҳар хил турдаги эркаклар, аёллар, болалар ва мактаб ўқувчилари учун сифатли ва бежирим кийим-кечаклар олиб келинди ва тарқатилди.